

GROWING SPEECH WITH INTERACTIVE METHODS IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

Mokhibegim Fazliddinovna NEMATOVA¹
ESP Teacher of the Department of
Foreign Languages in Natural Sciences
Bukhara State University

Abstract

This article shows the interactive methods used in teaching a foreign language, ways to develop oral speech.

Key words: Grammar, vocabulary, oral speech, sound, pronunciation, live speech, interactive method, translation.

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ЁРДАМИДА ОҒЗАКИ НУТҚНИ ЎСТИРИШ

Моҳибегим Фазлиддиновна Нейматова¹
Бухоро давлат университети
Табиий йўналишларда чет
тили кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада чет тилини ўргатишда қўлланиладиган интерфаол усуллар, оғзаки нутқни ўстириш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Грамматика, лексика, оғзаки нутқ, товуш, талаффуз, жонли сўзлашув, интерфаол усул, таржима.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан талаба ёшлар ўз олий ўқув даргоҳларида мутахассисликка оид фанлари билан бир қаторда турли хил чет давлатларнинг тилларини ўрганиш имконига эга бўлдилар.

Ҳаммамизга маълумки, чет тилини ўргатишда дарс жараёнида тилнинг грамматикаси ва лексикасига асосий эътибор берилади. Шунинг назарда тутган ҳолда, ўқитувчи дарс жараёнида қуйида келтирилган бир қатор эслатмаларга амал қилишини мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз:

- 1.Талабалар матндаги гапларни таҳлил қилиш асосида янги мавзунини ўзлари тушинишга ҳаракат қилишлари керак.
2. Матн мавзуга мос ва қизиқарли бўлиши керак.
3. Асосий ўрғу грамматиканинг гап маъносини ўзгартиришдаги таъсир доираси қай даражада муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратилиши лозим.
4. Талабалар янги мавзуга оид машқларни етарли даражада бажаришлари лозим.
5. Дарс материалларининг тайёрланиши содда ва тушунарли равишда бўлиши, шу билан бирга ўқитувчи дарс вақтидан унумли фойдаланиши керак.

Ҳозирги давр талаби бўйича хорижий тилларни ўқитишда турли хил усули фойдаланиш мумкин. Методика сўзи юнонча «метод» сўзидан олинган бўлиб, «йўл», «усул» деган маънони беради. Улкан инглиз методисти Ҳ.Палмер (Harold Palmer, 1877-1949) инглиз тилини чет тил сифатида ўргатиш билан узоқ муддат фаол шуғулланган. Бу олим юксак илмий маҳорат билан ёзган назарий асарлари, дарслик ва қўлланмалари туфайли жаҳон чет тил ўқитиш методикасида ўчмас из қолдирган. Оғзаки метод атамаси Ҳ. Палмер номи билан боғлиқ. Оғзаки нутқни эгаллаш учун Ҳ.Палмер қуйидагиларни тавсия этган: тил қийинчиликларини тасниф этиш (талаффуз, имловий этимологик,

семантик, синтактик қийинчиликлар); оғзаки нутқни икки йўналишда ўргатиш: тинглаб тушуниш ва гапириш; пассив тил бойлигини шакллантириш, сўнгра уни репродуктив нутқда фаол қўллаш; сўзларнинг маъносини очишда кўргазмалилик, таржима, чет тилда изоҳлаш матн мазмуни (контексти)дан фойдаланиш; нутқий парчаларни ёдлаб ўзлаштириш; сўзларни муайян мезонларга биноан танлаш; мавзуларга оид матнларни танлаш, луғат тузиш ва ўқиш турларини аниқлаш.

Тил ўргатиш учун оддий адабий наср ва сўзлашув нутқини тавсия қилади.

Жонли сўзлашув нутқидан бошлаб, кейин ўқишга ўтилади.

Интерфаол методларнинг яна бир фойдали томонларидан бири бу инглиз тилидаги ашулаларни мусиқа билан айтишдир. Улар ўқувчиларга яхши кайфият бағишлаб чарчоқни йўқотади ва янги материални қабул қилиш фаолиятини тезлаштиради. Методлардан яна бири «Additional Texts for Reading» бўлимини қўллаш яхши ҳисобланади. Унга фаннинг турли соҳаларига тааллуқли-илмий оммабоп матнлар киради. Матнлар асосан унчалик қийин эмас ва талабалар уларни мустақил бажара оладилар. Сўнгра дарсни охирида нотўғри феъллар рўйхати ва инглизча-ўзбекча луғат илова тарзида берилган. Фаннинг машқларни бажараётганда ўқитувчи талабанинг у ёки бу инглиз товушини тўғри талаффуз этишига ва уни она тили билан қиёслашга ўргатади. Қоидага мувофиқ товушларни дарс пайтида ҳамма биргаликда жўр бўлиб қайтариш билан мустаҳкамлайдилар. Ўқитувчи талаба билан яккама-якка ишлаш жараёнида унинг хатоларини кўрсатади ва талаффузини тўғрилашга ёрдам беради, кейинги дарсда ҳам худди шу товушларни қайтарадилар. Ўқитувчидан кейин талабалар биргаликда жўр бўлиб машқни қайтарадилар, ўқитувчининг инглиз товушларини талаффуз этиш жараёни ҳақидаги саволларига жавоб берадилар. Матн ва диалога оид машқлар ўқитувчи раҳбарлигида бажарилади. Талаффузни билиб олиш жараёнида алоҳида сўзлар талаффузини ўзлаштириш, кичик-кичик жумлаларни қўшиб ўқишини билиш ҳамда гапнинг айрим бўлакларини ифодали ўқиш учун охангга риоя қилиш керак бўлади. Талабалар жумлаларни биргаликда жўр бўлиб равон талаффуз этишларини ўқитувчи таъминлайди ва ўзбек тилида учрамайдиган аста-секин пасаявчи овоз охангини кўрсатади. Назорат қилишга мўлжалланган матнларни, диалогларни ва машқларни талабалар бўлакларга бўлиб жавоб беришлари мумкин. Аудиториядаги вақтни тежаш учун айрим грамматик қоида ва машқларни талабалар дарсдан ташқари вақтда мустақил ўрганадилар ва ёзма равишда бажариб, ўқитувчиларга текшириш учун топширадилар. Кўпинча талабалар сўзларнинг тўғри транскрипциясини луғатдан ўзлари топиб ёзадилар ва ёдлайдилар. Грамматик қоидаларни ўқитувчи тушунтиради. Чет тили асосий

мутахассислиги бўлмаган факультетларнинг дастури бўйича ҳар дарсда бир ёки иккита мавзу ўтилади. Қоидани тушунтириш жараёнидан сўнг грамматик кўникмаларни умулаштиришга асосланган турли машқлар берилади. Машқларни бошқалардан аввалроқ бажариб бўлган талабалар матнга берилган сўзлар устида ишлашлари мумкин. Янги сўзлар бир неча бор жўр бўлиб такрорлангандан сўнг матн устида ишлаш бошланади. Матнлар таълим назариясининг осондан қийинга ўтиш ва лексикани такрорлаш қоидаси асосида тузилган. Матндан кейинги лексик машқларда ҳам грамматик қоида мустаҳкамланади ва улар билимни пухта ўзлаштириш принципи асосида тузилган.

References

1. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Ҳошимов Ў.Х., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи, 2003.
3. Раҳманов И.В. Обучение устной речи на иностранном языке. М.: Высшая школа, 1980.
4. Колшанский Г. Проблемы владения и овладения языком в лингвистическом аспекте /ИЯШ, 1973, №10.
5.
<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=5293645111627396553&btnI=1&hl=ru>
6.
<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=10068233095846337917&btnI=1&hl=ru>
7.
<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=11774201323888050708&btnI=1&hl=ru>
8.
<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=13592445197489079231&btnI=1&hl=ru>
9.
<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=17855192054227122534&btnI=1&hl=ru>
10.
<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=12791763112962288777&btnI=1&hl=ru>